

# ARES

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES

**SJIF 2021: 5.723**

**Cite Factor 2020-21: 0.89**

**2021/09**

**VOLUME 2**

**ISSUE 9**

Research

*We increase scientific  
potential together!*

**ARES.UZ**

Exact Sciences  
Natural Sciences  
Technical Sciences  
Pedagogical Sciences  
Medical Sciences  
Social and Humanitarian Sciences



THE JOURNAL OF  
ACADEMIC RESEARCH IN  
EDUCATIONAL SCIENCES

ISSN 2181-1385

VOLUME 2, ISSUE 9

SEPTEMBER 2021



[www.ares.uz](http://www.ares.uz)

## БОЛАГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАЪЛИМНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ТАРБИЯЧИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТСИЯСИНИНГ АХАМИЯТИ

Гулноза Илхом қизи Хасанова

А.Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти ўқитувчиси

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада болага йўналтирилган таълимни амалга оширишда тарбиячининг касбий компетентсиясининг аҳамияти ва касбий фаолиятига компетентсиявий ёндашувининг мазмуни ҳақида сўз юритилган

**Калит сузлар:** мотивация, юқори компитентликка эга бўлиш, замонавий педагогик, анъанавий таълим, барқарор фаолият, педагогик дунёқараши, касбий мажбурияти, педагогик қобилиятлар, масофавий таълим.

### ABSTRACT

This article discusses the importance of the professional competence of the educator in the implementation of child-centered education and the content of the competency approach to professional activity

**Keywords:** motivation, high competence, modern pedagogy, traditional education, sustainable activity, pedagogical outlook, professional commitment, pedagogical abilities, distance learning.

### КИРИШ

Бугунги кунда таълими тизимининг барча бўғинлари учун ўқитувчиларни тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Таълимнинг барча бўғинларида дарс берадиган ўқитувчилар юқори компитентликка эга бўлиши билан бир қаторда, замонавий педагогик ва коммуникацион технологияларни тўлиқ ўзлаштирган, замонавий билимга эга бўлган ва ўз билимини ёш авлодларга етказиб бера олиш имкониятини ўзига ярата олган бўлиши шарт. Маълумки, бугунги кунда дунёнинг барча мамлакатларида анъанавий таълим тизими билан бир қаторда масофавий таълим шаклида дарс ўтиш зарурияти юзага келдию Айнан шу пайтда замонавий ахборот технологияларини яхши ўзлаштира олмаган ўқитувчилар қийинчиликларга дуч келди. Бу педагогик-психологик жихатдан ўқитувчига ноқулайликларни келтириб чиқарди.

Мана шундай вазиятда ҳам ўқитувчилар ўз устиларида кўпроқ ишлаб ёш авлод тарбиясининг узликсизлигини таъминлаш кераклигини ҳеч қачон

унитмади. Буни амалга ошириш учун маънавий жасорат сохиби сифатида ўз педагогик фаолиятларини амалга ошириб келди. Бу ўз навбатида педагогларнинг касбда барқарор фаолият олиб бориш малакасининг шаклланганлигини билдиради.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўзбекистон Республикасини ривожланган мамлакатлар қаторидан жой эгаллашини таъминлаш, ёш авлоднинг комил инсон бўлиб камол топишига бевосита боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти . Ш. Мирзиёев раҳбарлигида 2017 йил 16 август куни бўлиб ўтган йиғилишда мактабгача таълим тизимини таркибий жihatдан тубдан ислох қилиш, мазкур муассасаларга болаларни тўла камраб олиш бўйича муҳим вазифалар қўйилди. Бу борадаги таҳлиллар натижасида қисқа вақтда учта йирик хужжат-Ўзбекистон Республикаси Президентининг 9 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3261-сонли қарори, 30 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари”ги ПФ-5198-сонли Фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги –фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3305-сонли қарори қабул қилинди.

Ёш авлоднинг комил инсон бўлиб етишишида педагог, тарбиячи ва ўқитувчиларнинг роли бениҳоя каттадир. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, “Бировни ўқитадиган, тарбия берадиган инсон, аввало, ўзи ҳар томонлама баркамол бўлмоғи шарт”. Шу боис тарбиячи, педагогларнинг иш фаолиятини янада юксалтириш, касбий маҳоратларини ошириш асосий вазифалардан бири сифатида қайд этилмоқда. Бугунги кунда педагогларнинг касбий компетентлигининг самарали олиб борилишини таъминлаш долзарб масалага айланди. Барча таълим муассасаларида таълим берувчиларнинг касбий компетентлиги муҳим ўрин эгаллайди.

## НАТИЖАЛАР

Таълим жараёни бола шахсига йўналтирилганлигидан келиб чиқиб, мактабгача ёшдаги болаларнинг таълим-тарбияси шахснинг ривожланишида ижодий ва инсонпарварлик тамойилларига асосланган ҳолда таълим-тарбиянинг усул ва услублари тизимидан ташкил топган ҳамкорлик педагогикаси тамойилларига таяниб амалга оширилиши лозим. Давлатимиз халқ таълими соҳасида ўртага қўяёган вазифаларни бажариш кўп жihatдан

педагогга боғлиқ. Ҳозирги кунда таълим - тарбиядан кўзда тутилаётган мақсадларга эришиш, педагогларнинг хилма-хил фаолиятини уюштириш, уларни билимли, одобли, эътиқодли, меҳнатсевар, эркин фикрли, онгли баркамол инсон қилиб ўстириш педагоглар зиммасига юклатилган. Педагоглик шарафли, лекин жуда мураккаб касб. Чунки педагогик назарияда болаларни ўқитиш ва тарбиялаш ҳақида умумий қонун қоидалар, умумлаштирилган услубий ғоялар баён этилади, ёш индивидуал хусусиятларини эътиборга олиш таъкидланади. Педагогик назарияга мос келмайдиган вазиятлар учраб туради. Бу эса педагогдан кенг билимдонликни, пухта амалий тайёргарликни, юксак педагогик маҳорат ва ижодкорликни талаб қилади. (1-жадвал)

Болага йўналтирилган таълим технологиясининг мақсади – тарбияланувчининг ҳар тамонлама эркин, ижодий фикрлашини ривожлантиришга эришишдан иборат.

1-жадвал.



Бу борада педагоглар болага йўналтирилган таълимни амалага оширишда қуйидагиларни инобатга олишлари лозим:

- Ҳар бир болага комил боладек қараш, уни ҳурмат қилиш, уни тушуниш,
- қабул қилиш ва унга ишониш.
- Тазйиқ ўтказмаслик ҳамда унинг камчилигини бўрттирмаслик, билимларни ўзлаштирмаслик, ўзини ёмон тутиши сабабларини аниқлаш ва уларни боланинг шахсиятига зарар етказмайдиган тарзда бартараф этиш.
- Таълимда “муваффақият муҳитини” ташкил этиш, болага ўқитишда
- муваффақият қозонишига ёрдам бериш, унинг ўз кучи ва иқтидорига
- ишончини орттириш.

## МУҲОКАМА

Мактабгача таълим ташкилотида тарбиячининг асосий касбий вазифаси – болаларнинг гармоник ривожланиши учун шарт-шароитлар яратишдан иборатдир. Бунинг учун мактабгача таълим педагоги қуйидаги касбий компетентсияни эгаллаши лозим:

- ✚ Ҳар бир болани ту ва этиёжларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиши;
- ✚ болалар фаолиятининг эркин танлови учун шароитни ярата билиши;
- ✚ тенгдошлари билан низоли ҳолатларни ҳал этишга қаратилган коммуникатив қобилиятларини ривожлантириш билимига эга бўлиши;
- ✚ маданий фаолият воситаларини эгаллаши учун шароитларни ярата билиши;
- ✚ болаларнинг тафаккури, нутқи, мулоқоти, тасаввури ва ижодкорлигига таъсир этадиган шахсий, жисмоний ва бадий-эстетик ривожининг фаолият турларини ташкил этиши;
- ✚ боланинг индивидуал ривожлашини баҳолай билиши.

Тарбиячи касбий компетентлиги деганда, унинг билим, кўникма, қобилият, қарашлари тарбиячининг малакаси ёки таълим бериш қобилиятларининг намоён блиши белгилаб берадиган шахсий сифатлари ва кадриятлар йиғиндисини тушунамиз. Ҳозирги замонавий технологияларнинг жадал ривожланиш асрида тарбиячидан катта маҳорат талаб этилмоқда. Бу эса ўз навбатида тарбиячининг ўз устида мунтазам ишлашига, мавжуд замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмасига эга бўлишига ундайди.

Тарбиячи касбий компетентлигига таъсир этувчи омиллар:

- ✚ болалар талабининг ўсиши;
- ✚ ахборот технологияларининг ривожланиши;
- ✚ жамият эҳтиёжи ҳамда талабнинг ўсиши;
- ✚ тарбиячи ролининг ўзгариши;
- ✚ таълим соҳасида халаро тажрибалар ва қиёсий таҳлил натижалари.

Мактабгача таълим ташкилотида мактабгача ёшдаги болаларнинг таълим жараёнига ҳар томонлама тайёт бўлиши ва уларнинг ақлий ривожланиши ўқув фаолиятининг мазмунли ва сифатли бўлишини таъминлайди. Мактабгача таълим ташкилотларида тарбиячининг касбий компетентлигини, касбий маҳоратини оширишда ахборот технологияларидан фойдаланиш нафақат таълим самарасини, балки тарбиячи иш фаолияти натижасини ҳам ижобий томонга згартиради.

## ХУЛОСА

Педагогик шарафли, лекин жуда мураккаб касб. Яхши бўлиш учун педагогик назарияни эгаллашнинг ўзигина етарли эмас. Чунки педагогик назарияда болаларни ўқитиш ва тарбиялаш ҳақида умумий қонун қоидалар, умумлаштирилган услубий ғоялар баён этилади, ёш индивидуал хусусиятларини эътиборга олиш таъкидланади. Мактабгача таълим ҳаёти кичик педагогик жараён бўлиб жуда хилма -хилдир. Педагогик назарияга мос келмайдиган вазиятлар учраб туради. Бу эса педагогдан кенг билимдонликни, пухта амалий тайёргарликни, юксак педагогик маҳорат ва ижодкорликни талаб қилади. Тарбияланувчига атрофдагиларнинг ҳар бири ўзи каби шахс эканлигини англашиш, унда жамоага алоқадорлик ҳиссини ривожлантириш муҳимдир.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлашимиз мумкинки, бола шахсини ривожлантиришга йўналтирилган таълим – бу ақлий, эмоционал, жисмоний, ахлоқий ва маънавий аспектларни ҳисобга олган ҳолда, болани ўқитиш орқали тез ўзгарувчан, кўп маданиятли ва мустақил дунёдаги ҳаётга тайёрлашга йўналтирилган таълимга бўлган ёндашув десак муболаға бўлмайди.

## REFERENCES

1. М.А.Норқўзиева Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини таъминлашда буюк сиймоларнинг роли Самарқанд 2020

2. Т.Л.Р.Миржалолова Танлов фани модули Т.: Истеъдод, 2018. – 223 бР
3. Ш.Ш.Олимов. Маънавий-ахлоқий тарбия асослари. (Монография). – Т.: «Фан ва технология», 2015, 228 бет.
4. М.Усмонова . Ўқувчи шахсига йўналтирилган педагогик технологиялар Таълим технологиялари. 2016 йил. 4-сон.
5. Г.И.ХАСАНОВА “Таълим жараёнида дастурлаштирилган ўқитиш технологиясидан фойдаланишнинг афзалликлари” Жиззах: 2020. 420 бет. 223-2256
6. Хасанова, Г. (2021). Олий таълим муассасалари педагогларининг креатив қобилиятларини ривожлантиришнинг мазмуни. Academic Research in Educational Sciences, 2(1), 778-782.
7. Norquzieva. MEasuring professional stability of future teachers in pedagogical activity European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. 8 No. 6, 2020
8. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисидаги” Қонуни <https://www.lex.uz/acts/16188>



## CONTENTS

### Volume 2, Issue 9, SEPTEMBER, 2021

150. G'aniyev, T. (2021). BOSHLANG'ICH SINFI ONA TILI DARSLARIDA OT SO'Z TURKUMINI O'RGATISHNING INTERFAOL USULLARI. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2(9), 1002-1005. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2021-9-1002-1005>
- 
151. Насиров, А. А., & Назаров, В. Ш. (2021). ФРАНЦУЗ ТИЛИНИ ЭЛЕКТРОН МУЛЬТИМЕДИАЛИ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЎҚИТИШНИНГ АҲАМИЯТИ. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2(9), 1006-1014. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2021-9-1006-1014>
- 
152. Ismanov, A. (2021). МАТЕМАТИКА DARSINING TURLARI. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2(9), 1015-1019. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2021-9-1015-1019>
- 
153. Шамсиев, Ф. М., Мусажанова, Р. А., Таджиханова, Д. П., Шамсиева, Л. А., & Шарипова, Н. П. (2021). СОВРЕМЕННАЯ ОЦЕНКА ЦИТОКИНОВОГО СТАТУСА ДЕТЕЙ С ВНЕБОЛЬНИЧНОЙ ПНЕВМОНИЕЙ ЗАТЯЖНОГО ТЕЧЕНИЯ. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2(9), 1020-1025. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2021-9-1020-1025>
- 
154. Насиров, А. А., & Назаров, В. Ш. (2021). ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРДА КОНТАМИНАЦИЯ ҲОДИСАСИ. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2(9), 1026-1036. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2021-9-1026-1036>
- 
155. Кадирова, Х. Н. (2021). ВНЕКЛАССНАЯ РАБОТА ПО РУССКОМУ ЯЗЫКУ В ИНОЯЗЫЧНЫХ ГРУППАХ. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2(9), 1037-1041. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2021-9-1037-1041>
- 
156. Авезимбетов, Ш. Д., Комилжонов, С. К., & Досумбетов, О. Ш. (2021). ҚОРАМОЛЛАР СУРУНКАЛИ ЭНДОМЕТРИТ КАСАЛЛИГИНИ ДАВОЛАШДА ЛЕВОФЛОКСАТСИН ПРЕПАРАТИНИ ҚЎЛЛАШ. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2(9), 1042-1045. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2021-9-1042-1045>
- 
157. Saidov, J. S. (2021). МАКТАБГАЧА YOSHDAGI BOLALARNI MILLIY QADRIYATLAR ASOSIDA TARBIVIALASH MAZMUNI VA AMALIY AҲАМИЯТИ. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2(9), 1046-1050. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2021-9-1046-1050>
- 
158. Хасанова, Г. И. (2021). БОЛАГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАЪЛИМНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ТАРБИЯЧИНЛИК КАСБИЙ КОМПЕТЕНТСИЯСИНЛИК АҲАМИЯТИ. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2(9), 1051-1056. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2021-9-1051-1056>
- 
159. Turapova, S. X. (2021). BOLALAR VA O'SMIRLAR SPORT MAKTABLARIDA VOLEYBOLCHILARGA VOLEYBOL SPORT TEXNIKASINI O'RGATISHNING NAZARIY ASOSLARI. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2(9), 1057-1062. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2021-9-1057-1062>